

# Молиявий технологияларнинг молиявий саноат трансформацияси ва иқтисодий самарадорликни оширишдаги аҳамияти

Абдумалик Ортиғалиевич Рўзиёв  
aoruziyev@gmail.com

Тошкент халқаро молиявий бошқарув ва технологиялар университети

**Аннотация:** Иқтисодиётнинг асосий соҳаси ҳисобланган молия тизимини рақамли модернизация қилиниши натижасида инновацион технологиялар тамойилларига асосланиб амалга оширилаётган узлуксиз таркибий ўзгаришлар жараёни маҳсулот ва хизматлар таркиби ҳамда сифатига аҳамиятли таъсир кўрсатиш билан бир вақтда халқаро амалиётда бизнеснинг янги тури - FinTech компанияларининг пайдо бўлишига олиб келди. Мақолада молиявий технологияларнинг хусусиятлари, глобал ва маҳаллий молия тизимининг фаолиятига таъсири, молиявий технологиялар саноати бозорининг асосий технологик йўналишлари ва кўрсаткичлари, бу борада Ўзбекистонда ишлаб чиқилган тадбир ва мақсадлар тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** молиявий технологиялар, молиявий технологиялар саноати, необанк, тартибга солувчи технологиялар, ўрнатилган молия, суғурта технологиялари

## THE ROLE OF FINANCIAL TECHNOLOGIES IN TRANSFORMING THE FINANCIAL INDUSTRY AND IMPROVING ECONOMIC EFFICIENCY

Abdumalik Ortigaliyevich Ruziyev  
aoruziyev@gmail.com

Tashkent International University of Financial Management and Technology

**Abstract:** As a result of the digital modernization of the financial system, which is considered a key sector of the economy, the process of continuous structural changes based on the principles of innovative technologies has had a significant impact on the composition and quality of products and services, while simultaneously leading to the emergence of a new type of business in international practice - FinTech companies. The article discusses the features of financial technologies, their impact on the functioning of the global and local financial system, the main technological trends and indicators of the financial technology industry market, as well as the measures and goals being developed in Uzbekistan in this direction.

**Keywords:** fintech, fintech industry, neobank, regulatory technologies, embedded finance, insurance technologies

## Кириш

Рақамли технологиялар йўналишида эришилган халқаро муваффақиятларни тадқиқ этилиши миллий иқтисодиётнинг молиявий хизматлар соҳасида юқори сифат даражаси таъминланишига олиб келади ва бу инновацион молиявий технологияларни ишлаб чиқиш масалаларини ечиш имконини беради. Молиявий технологияларга асосланган такомиллаштирилган ечимлар юқори даромадлар келтириши билан бир вақтда молия соҳаларини ривожлантириб, маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш, коммуникация, хусусий ва корпоратив истеъмолчиларга молиявий хизмат кўрсатишлар билан боғлиқ такрорланувчан жараёнларни автоматлаштиришда инновация ва рақамли технологияларга асосланади.

Молия ва замонавий технологиялардан фойдаланадиган восита ҳамда платформаларни ўз ичига олувчи технологияларнинг ўзаро интеграцияси молиявий хизматларни оптималлаштиришда инновацион жараён ҳисобланади.

Ўз навбатида, молиявий технологиялар (FinTech) турли харажатларни оптималлаштириш ҳамда тақдим этилаётган хизмат ва операцияларни сифатини ошириш шартини қўйган ҳолда электрон тижорат бозорининг ўсиши, Интернетдан, шу жумладан мобил қурилмалардан кенг фойдаланиш натижасида хизматларни тақдим этиш техник базасини ривожлантириш, банк тизимини такомиллаштириш, киритилган сармоянинг рентабеллигини оширишга таъсир этувчи асосий омилларни қўллаб қувватлайди. Буларнинг барчаси алоҳида жараён ва хизматларни рақамли трансформациясини, шунингдек, молиявий хизматларни етказиб бериш муддатини оптималлаштирилишини назарда тутди. Натижада бир томондан, керакли операцияларни вақт ва макон омилларига боғлиқ бўлмаган тарзда амалга ошириш, бошқа томондан, турли харажатларини камайтириш билан бир вақтда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имконияти яратилади.

FinTech технологиялари молиявий ташкилотларга ички ва ташқи бошқарув самарасини ошириб мижозларга сифатли хизмат тақдим этишда катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имконини беради. Хусусан, кредит ташкилотларига рискларни янада аниқ баҳолаш, тўғри қарор қабул қилиш учун шартномаларни тезда кўриб чиқиш ва кредит қобилятини аниқлашда сунъий интеллект тизимлари ҳамда катта маълумотларни қайта ишловчи аналитик тизимларни жорий этилиши катта самара беради.

Рақамли иқтисодиёт шароитида мижозлар талабини тўлиқ эътиборга оладиган янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш FinTechни ривожлантиришдаги алоҳида муносабат ҳисобланади. Ҳозирги кунда

мобил иловалар орқали молиявий бошқарув бўйича харажатларни назорат қилиш ва бюджетни режалаштириш имконини берувчи хизматлар тақдим этилмоқда, Интернет тармоғида пул ўтказмалари ва тезкор тўловлар ҳажми оммавийлашган тарзда ривожланиб бормоқда. FinTech замонавий банк секторининг ажралмас қисми ҳисобланади ва унинг аҳамияти истиқболда янада ортиб боради.

#### Методология

Тадқиқ этилаётган соҳанинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ўрганилди. Тадқиқот методологияси сифатида адабиётларни қиёсий таҳлил қилиш, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, статистик ва динамик усуллар, гуруҳлаш ва қиёсий таққослаш, иқтисодий-статистик таҳлил ва қиёсий таҳлил, формал-мантиқий танлаб кузатиш усулларидан фойдаланилди.

#### Натижа ва муҳокама

FinTech технологиялари корхона ва оддий истеъмолчиларга молиявий хизматларга киришнинг соддалиги ва самарадорлигини ошириш учун махсус дастурий иловалар, сунъий интеллект ва катта маълумотлар каби янги технологиялардан фойдаланиш асосида амалга оширилади. FinTech жаҳон бозори ҳажми технологик тараққиёт натижасида анъанавий молиявий хизматларнинг трансформациялашув жараёнлари билан боғлиқ ҳолда доимий равишда ўсиб бормоқда ва бу саноат мобил банкинг, тўлов технологиялари, инвестиция дастурлари кабиларни ўз ичига олади.

Дунё аҳолисининг ярмидан ортиғи анъанавий банк хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслиги эътиборга олинса жаҳон амалиётида FinTech технологияларининг ривожланиши ва жорий этиш даражаси дастлабки босқичда бўлиб, бу технологияларнинг жорий этиб борилиши молиявий хизматлар саноатида сифат жиҳатидан янги имкониятлар очиш билан бир вақтда бу ечимлар трансформациялашув жараёнларини кучайтириб боради.

Необанклар ўз хизматларини мобил ва/ёки веб-иловалар орқали тақдим этадиган рақамли технологияларга асосланган молиявий институтлардир. Бундай банк муассасалари мижозларга офис, бўлим ва филиалларга эгаи бўлмаган ҳолда хизматларни таклиф этади.

Fortune Business Insights ҳисоботида кўра 2023 йилда 98,4 миллиард долларга баҳоланган жаҳон необанк бозори ҳажми 2024 йилда 45,6 фоизга ўсиб 143,29 миллиард долларни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2025 йилда 210,16 млрд. доллар, 2032 йилга бориб эса 48,9 фоиз ўртача йиллик ўсиш билан 3406,47 миллиардга етади [8].

RegTech (тартибга солиш технологияси) корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш борасида меъёрий талабларга риоя этилишини ўз вақтида таъминлаб бориш учун янги технологияларни қўлланишидир.

RegTech ечимлари реал вақт тартибда меъёрий тартибга солиш тўғрисидаги ўзгаришларни янгилаб, турли ҳодисалардан аввалроқ хабардор бўлиш имкониятларини тақдим этади. 2022 йилда миллиард долларга баҳоланган бу технология жаҳон бозоридаги қиймати 2032 йилда 66,9 миллиардга етиб, 2023 йилдан 2032 йилгача ўртача йиллик 22,6 фоизда ўсиб боради. ComplyAdvantage, Trunomi, ClauseMatch, Elliptic ва Behavox жаҳон бозоридаги асосий етакчи компаниялар ҳисобланади<sup>1</sup>.

Сунъий интеллект (AI) дастурий мажмуа сифатида бошқа дастурий таъминот тизимларидан ўзига хос бўлган ўрганиш ва мослашиш хусусияти, қарор қабул қилишининг автономлиги, мураккаб масалалар мазмунини тушуниш, когнитив функциялар, табиий тилни қайта ишлаш, башоратли таҳлил, мультимодаллик, мултидисциплинарлик хусусиятлари билан ажралиб туради.

2024 йилда сунъий технологияларнинг жаҳон бозоридаги қиймати 17 миллиард долларда баҳоланди, 2024 йилдан 2033 йилгача ўртача йиллик 17 фоиз билан ўсиб бориб 2033 йилда қиймати 70,1 миллиардгача ўсиши кутилади. Жаҳон бозорида JPMorgan Chase, Goldman Sachs, Nubank компаниялари етакчилик қилади.

Embedded Finance (ўрнатилган молия) - бу тўловлар, кредитлаш ёки банк хизматлари каби молиявий хизматларнинг молиявий бўлмаган таклифларга интеграциялашувидир. Бу фойдаланувчиларга ўзлари фойдаланаётган инструментлар орқали молиявий хизматларга муаммосиз кириш имконини беради. Бу молиявий хизматларнинг (масалан, кредит маҳсулотлари) анъанавий молиявий бўлмаган платформаларга - маркетплейслар, ижтимоий тармоқлар ёки ўйин иловаларига API орқали ўрнатилишидир.

Масофавий банк хизмати бутунлай йўқолиб кетмайди, аммо транзакциялардан олинган даромадларнинг аҳамиятли қисми Embedded Finance соҳасига оқиб ўтади. Жумладан, жаҳон бозоридаги қиймати 2023 йилдаги 63,2 миллиард доллар ҳажмида баҳоланган, 2033 йилда бу кўрсаткични 291,3 миллиардга етиши кутилади ва 2023 йилдан 2033 йиллар кесимида ўртача йиллик 15,8 фоизга ўсиб боради. Жаҳон амалиётида Amazon, Shopify, Apple, Stripe, Plaid бу соҳада етакчилар сифатида қаралади. Ўзбекистонда Embedded Finance ривожланиши яқин йиллар давомида катта муваффақиятларга олиб келиши кузатилади.

<sup>1</sup> Келтирилган прогноз кўрсаткичлар [www.fortunebusinessinsights.com/](http://www.fortunebusinessinsights.com/) сайти маълумотларига асосланади

Блокчейн технологияси. Блокчейн технологияси бизнес-тармоқда очик маълумот алмашиш имконини берувчи маълумотлар базасининг такомиллашган механизми бўлиб маълумотлар базаси маълумотларни бир-бирига занжирсимон боғланган блокларда сақланади ва умумлашган сақлаш маркази мавжуд бўлмайди.

2029 йилда FinTech-блокчейннинг 31,84 миллиард доллар ҳажмида ўсиши кутилади, 2024 йилдан 2029 йилгача ўртача йиллик 46,92 фоизда ўсиб боради. Жаҳон бозорида Coinbase, Ripple, Binance, Kraken ва Gemini бундай технологиялар соҳасида етакчилар ҳисобланади.

Open Banking (очик банк) - интернет-банкнинг очик банк протоколларидан фойдаланишга асосланган ва фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотлар билан ҳимояланганлик даражаси кафолатланган кенгайтирилган имкониятларни таъминлайдиган усуллар гуруҳидир.

Жаҳон бозорида 2030 йилга келиб ҳажми 135,17 миллиард долларга етиб, бозор ҳажми 2023-2033 йиллар кесимида ўртача йиллик 27,2 фоизда ўсиб боради. Plaid, Revolut, HSBC, Barclays, BBVA алоҳида салоҳиятга эга компаниялар ҳисобланади.

BNPL-хизматлари (buy now, pay later - ҳозир сотиб ол, кейинроқ тўла) - бу ҳамкорлардан харидлар учун банклар ва микромолия ташкилотларининг стандарт кредит маҳсулотларига мурожаат қилмасдан тўловларни қисмларга бўлиб тўлаш имконини берувчи хизмат.

Жаҳон бозоридаги қиймати 2024 йилда 14,55 миллиарддолларида баҳоланган бу соҳа ҳажми 2034 йилга келиб 80,2 миллиард долларга етади<sup>2</sup>. 2024- 2034 йилларда ўртача йиллик 21,8 фоизда ўсиб боради. Klarna, Afterpay, Affirm, Zip и Sezzle компаниялари бу соҳада жаҳон бозори асосий ўйинчилари ҳисобланади.

Insurtech - бу суғурта хизматларини кўрсатишда компания ва унинг миждозлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлайдиган рақамли технология бўлиб, ҳар икки томонга вақт ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини беради.

2024 йилда халқаро бозорда InsurTech соҳасини глобал молиялаштириш нисбатан қисқарган бўлсада олинандиган даромад 2023 йилдаги 22,1 миллиард доллардан 2030 йилгача ўртача йиллик 45,6 фоиз билан ўсиб, 2030 йилга келиб жаҳон бозори ҳажми 306,5 миллиард долларга етади. Ҳозирги кунда Lemonade, Hippo, Root Insurance, Wefox, Trov компаниялари бундай технологияларни етказиб бериш бўйича етакчи ҳисобланади.

<sup>2</sup> <https://www.banki.ru/news> сайти маълумотлари асосида

Ўзбекистон Республикасида AI соҳасини ривожлантириш ва соҳаларга кенг жорий этишга стратегик масала сифатида ёндашилиб, ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирларга асосан 2030 йилга қадар узлуксиз ривожлантириб борилади, жумладан, сунъий интеллект асосида яратилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини 1,5 миллиард АҚШ долларига етказиш; Ягона интерактив давлат хизматлари порталида сунъий интеллект асосида кўрсатилаётган хизматлар улуши 10 фоизга етказиш; сунъий интеллект йўналишида фаолият юритувчи илмий лабораториялар сонини 10 тага етказилади ҳамда юқори қувватли ҳисоблаш серверлари ишга тушириш; ҳукуматнинг сунъий интеллектга тайёрлик индексида (Government AI Readiness Index) Ўзбекистон Республикасининг биринчи 50 та ўриндаги давлатлар қатори ўрин олишига эришиш мақсади қўйилган.

Ўзбекистондаги чакана савдо тармоқлари харидорларга маҳсулотларни кечиктириб тўлаш режасини таклиф қилади. 2019-2020 йилларда хусусий инструментларини ишлаб чиққан ҳолда молиявий ташкилотлар ҳам бу жараёнга қўшилди. Натижада, BNPL ва POS-молиялаштириш бозоридаги ялпи маҳсулот айланмаси умумий ҳажми (GMV) - тўғридан-тўғри савдо нуқталарида берилган кредитлар 2023 йилда 450-500 миллион долларга етди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, BNPL-хизматларини кредит қоидалари асосида тартибга солиш учун марказий банк томонидан банкларга барча ахборотларни кредит тарихи бюросига жўнатиш мажбуриятининг киритилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда Alif Nasiya ва Uzum Nasiya хизматлари тўлов тизимлари бозорининг учдан икки қисмини эгаллайди. Alif Uzbekistan Британиянинг Cur8 Capital фондидан Alif Nasiya бўлиб тўлаш хизматини ривожлантириш учун 5 миллион доллар олди, Uzum 100 миллион доллардан ортиқ маблағ олди, бу маблағ бошқа масалалар қатори жисмоний шахсларни таъминланмаган ва бўлиб-бўлиб тўлаш соҳасидаги маҳсулотларни кредитлаш учун молиялаштириш жалб қилинди.

KPMG Caucasus and Central компанияси томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, 2022 йилда нақд пулсиз тўловлар ва ўтказмаларнинг умумий улуши Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 58 фоизини, бозор айланмаси 36,2 миллиард долларни ташкил этиб 29 фоизи тўлов ташкилотлари ҳиссасига тўғри келди. 2027 йилга келиб нақд пулсиз операциялар бозорида айланма икки баравардан кўпроқ ўсиши, уларнинг умумий ҳажми 107-125 миллиард доллар оралиғида бўлиши прогноз қилинди<sup>3</sup>.

<sup>3</sup> <https://www.spot.uz/ru/2024/05/02/fintech/> ва [startupbase.uz/ru/news/overview-of-the-fintech-industry-opportunities-and](https://startupbase.uz/ru/news/overview-of-the-fintech-industry-opportunities-and) сайти маълумотлари асосида

Ўзбекистонда FinTech соҳасидаги стартаплар сони аҳамиятли кўрсаткичларда ўсиб, 2023 йилда FinTech стартапларига 2,75 миллион доллар сарфланди ва бу мамлакатда венчур капитални жалб қилиш бўйича етакчи соҳага айланаётганлигини кўрсатади. Бугунги кунда Ўзбекистонда FinTech бозори нисбатан эркин ривожланиб стартаплар ва янги маҳсулотларни жорий этиш учун қулай шароит яратмоқда. Ўзбекистонда FinTech ривожланган бозорларга нисбатан дастлабки босқичларда эканлиги тадбиркорларга маҳаллий бозорда мустақкам ўрнашиб олиш имкониятини беради [5].

Ўзбекистонда FinTech соҳасида стартаплар учун намуна бўла оладиган муваффақиятга эришган маҳсулотлар сифатида *Clik*, *Rayme*, *Oson*, *Paynet* ва *Uzum* мобил тўлов тизимлари, *Uzcard* ва *Humo* - Ўзбекистон бозорида нақд бўлмаган тўлов ва ўтказмаларини амалга оширувчи тўлов тизимлари, *Sug'urta Bozor* - Ўзбекистондаги биринчи онлайн суғурта хизматлари маркетплейси ҳисобланади, *IMAN* ва *Alif* - Марказий Осиёдаги исломий молия соҳасидаги стартаплар, *Jett* стартапи, *Humans*, *Hambi*, *OQ* - ягона платформада турли хизматларни бирлаштирган кўп функцияли иловаларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда FinTech катта имкониятларга эга ҳолда молиявий хизматларни рақамлаштирилиши, мобил тўловларни жорий этилиши, стартапларни қўллаб-қувватланиши, микромолиялаш ва кредитлаш тизимини оптималлаштирилиши каби асосий омилларни юқори суръатлар билан ривожлантирилиши натижасида рақамли молиявий ечимлар самарали йўлга қўйилмоқда.

#### Хулоса

Бизнинг фикримизча, молиявий технологияларга молиявий активларни бошқариш жараёнида сифатли молиявий хизматларни тақдим этиш ва умумий самарадорликни ошириш мақсадида фойдаланилиб компьютер ва Интернет технологияларидан ташкил топган технологиялар гуруҳидан интенсив фойдаланадиган интеграцион сектор сифатида қараш янада тўғри бўлади.

Молиялаштириш, технологияларни ривожлантириш, давлат инфратузилмаси ва тартибга солиш, аҳоли ва бизнес томонидан бўладиган талаблар, молиявий компанияларнинг FinTech хизматларини таклиф қилишдаги фаоллиги ва инсон капиталининг мавжудлиги Ўзбекистонда молиявий технологиялар бозорининг ривожланиш суръатларига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардир. Шу билан бирга, аҳолининг молиявий саводхонлигининг етарли даражада эмаслиги ва Марказий банк томонидан молиявий технологиялар бозорини юқори даражада тартибга солиниши Ўзбекистон молия тизимини истиқбол трансформациясини ривожлантиришдаги асосий муаммолар ҳисобланади. Ўрта муддатли истиқболда молиявий технологияларнинг мавжуд

хизматлар бозорига кириб бориш кўрсаткичларининг ўсиб бориши ва халқаро бозорларга кенгайиши натижасида FinTech-саноати ривожланиб боради.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-358-сонли Қарори.
2. Belozyorov S., Sokolovska O., Kim Y. Fintech as a Precondition of Transformations in Global Financial Markets // Foresight and STI Governance. – 2020. – № 14 (2). – p. 23– 35. – doi: 10.17323/2500–2597.2020.2.23.35.
3. Gelis P. Why FinTech Banks Will Rule the World. / In The FinTech Book. – John Wiley & Sons, Ltd., 2016. – 235–237 p.
4. Demertzis M., Merler S., Wolff G. B. Capital markets union and the Fintech opportunity // Journal of Financial Regulation. – 2018. – № 4(2). – p. 157–165. – doi: 10.1093/jfr/fjx012.
5. Fintech: B2C Payments, POS financing and BNPL in Uzbekistan. KPMG Caucasus and Central Asia April 2024. <https://kpmg.com/uz/ru/home/insights/2024/04/fintech.html>
6. Lagna A., Ravishankar M. N. Making the world a better place with fintech research // Information Systems Journal. – 2021. – p. 10.1111/isj.12333.
7. Neobanking Market Size, Share & Industry Analysis, By Account Type (Personal and Business), By Service (Savings/Checking Accounts, Payments & Money Transfers, Mobile Banking, Loans/Insurance/Investments, and Others), and Regional Forecast, 2025-2032. <https://www.fortunebusinessinsights.com/neobanking-market-109076>
8. Ruziev A.A. Index of economic functionality in digitization of. World Economics & Finance Bulletin (WEFB). Vol. 29, December, 2023. ORCID :0000-0002-9430-8748. <https://www.scholarexpress.net/index.php/wefb/issue/view/121>
9. Сулименко О.В., Рябова К.А. Развитие цифрового банкинга и финтех-компаний // Финансовые исследования. – 2019. – № 4 (65). – с. 78–83.
10. Wójcik D. Financial Geography I: Exploring FinTech – Maps and concepts // Progress in Human Geography. – 2021. – № 45(3). – p. 566–576. – doi: 10.1177/0309132520952865.
11. Sheng T. The effect of fintech on banks’ credit provision to SMEs: Evidence from China // Finance Research Letters. – 2021. – № 39. – doi: 10.1016/j.frl.2020.101558.
12. Puschmann T., Hoffmann C. H., Khmarskyi V. How green fintech can alleviate the impact of climate change - The case of Switzerland // Sustainability. 2020. № 12(24). -p. 1-28. doi: 10.3390/su122410691.



13. Schueffel P. Taming the Beast: A Scientific Definition of Fintech // Journal of Innovation Management. – 2017. – № 4(4). – p. 32–54. – doi: 10.24840/2183–0606\_004.004\_0004.